


ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ
ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ



ДИНШУНОСЛИКНИНГ ДОЛЗАРЪ МУАММОЛАРИ



V



Таҳрир ҳайъати: Р.Абдуллаев, З.Исломов, К.Комилов,
Қ.Зоҳидов, И.Усмонов, А.Абдуллаев, С.Агзамходжаев,
Н.Муҳамедов, С.Оқилов, Б.Валиев, Д.Муродов, Д.Раҳимжонов,
Д.Махсудов.

Масъул муҳаррирлар:

З.Исломов – филология фанлари доктори, профессор
Н.Муҳамедов – тарих фанлари номзоди, доцент

Тақризчилар:

А.Ҳасанов – тарих фанлари доктори, профессор
М.Артиков – фалсафа фанлари номзоди, доцент

Мазкур илмий тўпладан анъанавий “Диншуносликнинг долзарб муаммолари” республика илмий-амалий анжуман материаллари ўрин олган. Унда Республикамиздаги таниқли диншунос, шарқшунос, манбашунос, тарихчи олим ва тадқиқотчилар ҳамда стажёр-тадқиқотчи-изланувчилар ва магистрантлар иштирок этишди.

Конференция материалларида дин ва унинг жамият ҳаётида тутган ўрни, диншунослик фанларини ўқитишдаги муаммолар, диний бағрикенглик тамойиллари, диний экстремизм ва терроризмга қарши курашнинг маънавий-маърифий асослари ўз ифодасини топган. Шунингдек диншунослик, исломшунослик, фалсафа ва тарих фанларига доир долзарб мавзулар акс этган. Анжуман материалларидан олий ўқув юртлари профессор-ўқитувчилари, аспирант, магистрант ва ёш тадқиқотчилар фойдаланиши мумкин.

*Тошкент ислом университети Ректор кенгашининг
2013 йил 18 мартдаги № 18 қарорига биноан нашрга
тавсия этилди.*

Ф.Юлдашева,
Андижон давлат университети
Фалсафа кафедраси мудири, ф.ф.н., доц.,

Х.Холмирзаев,
Андижон давлат университети
Фалсафа кафедраси, катта ўқитувчи

ҲАНАФИЯ ТАЪЛИМОТИДА ИНСОН ЭРКИНЛИГИ МАСАЛАСИ

Инсон эркинлиги масаласига Шарқ фалсафаси, хусусан ислом таълимотида катта аҳамият берилган. Мустақиллик туфайли ислом қадриятлари тикланиб ўзининг муносиб ўрнига эга бўлган ҳозирги шароитда исломнинг ушбу масалага ёндашувини ўрганиш муҳимдир.

Маълумки, Ўрта Осиё, Туркия ва бошқа ҳудудларда ҳанафий мазҳабининг таълимоти кенг тарқалган. Мазкур мазҳаб Усмон империясининг расмий мазҳаби ҳисобланган. Мазҳабнинг ҳуқуқий таълимоти – фикҳ бутун дунёга машҳур. Ўрта Осиё дунёга ҳанафий мазҳабининг Абу Муқотил ас-Самарқандий (VIII-IX аср), Абу Бакр ас-Самарқандий (IX аср), Абу Султон Журжоний, Абу Наср ал-Иёдий – Мотуридийнинг устозлари, Абулмуин ан-Насафий (XI аср), Абу Наср ал-Мотуридий (X аср), ал-Бухорий, ат-Термизий сингари буюк алломаларни берди. Бурҳониддин Марғиноний ва Абу Наср ал-Мотуридий бу мазҳабнинг йирик намояндаларидан эдилар. Уларнинг “Ҳидоя” ва “Китоб ат-тавҳид” асарлари ислом маданиятининг буюк дурдоналаридир.

IX асрда Самарқанд, Шош, Фарғона шаҳарларини ўз ичига олган Сомонийлар давлати динга нисбатан қатъий сиёсат олиб бормаган ва расмий бирор бир мазҳабни қабул қилмаган бўлсада, ўзининг либераллиги, толерантлиги, мослашувчан ва қулайлиги туфайли ҳанафий мазҳабининг таълимоти кенг тарқалди. Мазҳабнинг асосий хусусияти унинг инсон эркинлиги ғоясига асосланганлигидир. Ҳанафий мазҳабининг тарафдорлари қўпол, қатъий ғоялардан чекланишга, муаммони ҳал этишнинг кўпчиликини қониқтирувчи йўллари излаб топишга ҳаракат қилганлар. Жумладан, Имом Мотуридий таълимотининг асосида ҳам танлаш эркинлиги, масъулият, англанган жавобгарлик ва ҳуқуқий танлов масалалари туради. Унинг мусулмон бўлиб туриб, мусулмон-

лик тамойилига амал қилмаслик нотўғри эканлиги ҳақидаги фикрлари бугунги кун учун ҳам долзарбдир.

Абу Ханифа ўзининг замондоши Усмон ал-Батига ёзган мактубида инсонлар ўзларининг хатти-ҳаракатларида эркин бўлишлари, лекин шу билан бирга улар Аллоҳнинг олдида ўз хатти-ҳаракатлари учун жавобгар эканликлари, чунки бу нарсалар Қуръонда битилганлигини ёзади. Унинг фикрича, Аллоҳнинг иродаси ва инсон масъулияти бир-бирига боғлиқ ва Аллоҳ инсоннинг эзгу ҳаракатларини қўллаб-қувватлайди, нотўғри, ёвуз қилмишларига норизо ҳолда изн беради. Инсон унга куч берилганлиги сабабли ҳам ҳаракат қилади, унинг ҳаётида Аллоҳ ҳам инсон ҳам бир хил иштирок этади³³². Шу билан бирга мазҳаб мусулмон кишининг шахсий манфаатларини иккинчи даражали, деб ҳисоблайди ва инсон ҳаракатлари жамият учун фойдалилиги нуқтаи назаридан баҳоланади.

Ҳанафий мазҳабининг аёллар масаласига муносабати ҳам ўзига хос ва ўз замонаси учун жуда прогрессив бўлган, деб эътироф этиш мумкин. Маълумки, ислом таълимотида аёлнинг роли ҳаётда иккинчи даражали ҳисобланади, деган фикрлар кенг тарқалган. Масалан, Н.Муравьева исломнинг аёлларга муносабати исломгача бўлган даврга нисбатан прогрессив бўлган, аслида ислом аёлни эрига бўйсунувчи, иккинчи даражали шахсга айлантирган, шунга кўра унинг фаолияти фақат оилавий муносабатлар билан чекланган. Шу сабабли ислом аёлга ҳақиқий эркинлик бермаган, деб ҳисоблайди³³³.

Таъкидлаш жоизки, айнан ислом динида бу масалада аёлга алоҳида эътиром кўрсатилади. Жумладан, Қуръони каримда эркаклар ва аёллар бир жондан яратилганлиги эътироф этилган³³⁴. Худо томонидан мусулмонларга айтилган ҳар бир сўз эркак ва аёлга бир хилда тегишлидир. Улар ўз ҳуқуқлари ва мажбуриятларида тенгдирлар. Ислом аёл кишининг ҳуқуқларини эълон қилибгина қолмади, у ота-онасиз қолган қизлар ва беваларни ҳимоя қилиш зарурлигини ҳам уқтирди. Аёл – муқаддас зот. Пайғамбаримизнинг "Аввал

³³² Улрих Рудольф. Ал-Мотурудий ва Самарқанд суннийлик илоҳиёти. – Т. 2001. – Б. 47.

³³³ Муравьева Н. Ўзбекистон хотин-қизлари ижтимоий мақомини юксалтириш. Назария ва амалиёт. – Т.: А.Навоий номли Ўзб Мил. кут. нашриёти, 2004. – Б. 25-33.

³³⁴ Қуръони карим (4:1). Т.: Чўлпон нашриёти, 1992.

онангизга таъзим қилинг, яна бир марта онангизга таъзим қилинг, сўнгра отангизга таъзим қилинг”, деган сўзлари барчага маълум. Аёлни хафа қилиш катта гуноҳ. “Аллоҳ эркак томонидан аёлни хафа қилишини жазосиз қолдирмайди” (Муслим)³³⁵. Аёлнинг ҳуқуқларини ҳимоя этиш масаласи ҳам ҳанафий мазҳаби таълимотида эътиборга олинган. “Аёлнинг ҳуқуқлари муқаддасдир. Унга берилган ҳуқуқларга ҳамма жойда амал қилинишини ва ҳеч қаерда бузилмаслигини ҳушёрлик билан кузатиб боринг”(Абу Довуд)³³⁶.

Абу Ҳанифа ва унинг тарафдорлари никоҳ қурилиши борасида ҳам эркаклар ва аёлларнинг ҳуқуқларини тенглаштирди. “Балоғатга етган аёл ўз хоҳишига биноан никоҳ қуриши мумкин. Соғлом ақлга эга бўлган балоғатга етган қиз ўз иродасига ва хоҳишига кўра никоҳ қуриши мумкин”; “никоҳ тузиш пайтида аёл фақат унга тегишли бўлган ҳаракатни амалга оширади, балоғатга етганлиги, соғлом ақлга эгалиги ва ёмонни яхшидан ажрата олиши туфайли бунга унинг ҳаққи бор” ёки “балоғат ёшидаги аёл ўз валинеъматининг рухсатисиз никоҳ қуриши мумкин”³³⁷.

Ҳанафий мазҳаби қизларни уларнинг истакларига қарши турмушга узатишни ҳам қоралайди: “Балоғатга етган қиз унинг иродасига қарши турмушга чиқарилиши мумкин эмас”³³⁸. Баъзан шунга ўхшаш ҳолатларнинг учраб туриши кишиларнинг ислом, айниқса ҳанафий мазҳабининг бу масалага муносабатини яхши билмасликдан келиб чиқади. Айрим динларда исломдан фарқ қилган ҳолда, ушбу масалага етарли даражада эътибор берилмаган. Жумладан, ҳиндуийлик бева қолган аёлларнинг ўз хоҳишига кўра ҳаётдан кетишини ёқлаган. Ислом эса бундай аёлларнинг қайтадан никоҳ қуришини қўллайди. Демак, ислом дини аёл кишининг ҳуқуқларини эълон қилибгина қолмади, у ота-онасиз қолган қизлар ва беваларни ҳимоя қилиш зарурлигини ҳам қонун даражасига кўтарди.

Тарихда халқнинг маънавий тараққиётида катта рол ўйнаган мусулмон аёлларининг номи маълум: Увайсий, Нодирабегим (Моҳлар-ойим), Анбаротин – дунёга танилган шоиралар. Маърифатнинг гуллаб-яшнашига ҳисса қўшган

³³⁵ Мақсуд Р. Ислам. – М.: Фаир-пресс, 2001. – Б. 216.

³³⁶ Ўша жойда. – Б. 256.

³³⁷ Ҳидоя . Комментарий мусулманского права. – Т., 1994.

³³⁸ Ҳидоя . Комментарий мусулманского права. – Т., 1994. – Б. 141.

аёллар ҳам кўп бўлган. Масалан, XIX аср охирларида Фарғона вилояти ҳудудида Иззат-биби (Минглар уруғидан, Норбўтабойнинг рафиқаси ва Умархоннинг онаси) Кўқон шаҳрида энг ҳашаматли ва таниқли Минг-ойим мадрасасини қурдирди. Моҳлар-ойим иккита мадраса, Ҳоким-ойим (Худоёрхоннинг онаси) ҳам иккита мадраса қурдирди. Марғилон ва Конибодом шаҳарларида ҳам расмий, ҳеч қандай ўринга эга бўлмаган аёллар томонидан кичик мадрасалар қурдирилган³³⁹. Ўзбеклар менталитетидан ўрин олган аёлларга ҳурмат, онани, опа-сингиллар, қизларни эъзозлаш каби хусусиятлар кўп жиҳатдан жамиятимизнинг ижтимоий онгида ҳанафий мазҳаби таълимотининг муҳим ўрин эгалла-ганлигини англатади.

Ўзбекистоннинг ижтимоий ҳаётида аёллар ролининг тобора ошиб бориши бу масалани янада долзарб муаммога айлантирди. Аҳолисининг ярмидан кўпроғини аёллар ташкил этувчи республикамизда бу масаланинг тўғри ҳал этилиши демократияга асосланган фуқаролик жамиятини яратиш йўлидан бораётган ёш давлатимизнинг келажаги учун ҳам катта аҳамиятга эга. Маълумки, Ўзбекистон Президенти И.А.Каримов бу масалани давлат аҳамиятига эга бўлган масалалардан бири сифатида эътироф этади: "...жамиятнинг демократик ўзгаришлар йўлидан нечоғли илгарилаб кетгани, шу жамиятнинг аёлларга бўлган муносабати унинг маданий-маънавий савиясини белгилайди"³⁴⁰.

С.Саиджалолов,

Тошкент ислом университети тадқиқотчиси.

ИСЛОМДАГИ МАЗҲАБЛАРНИ ҚИЁСИЙ ЎРГАНИШДА МАҲМУД ЗАМАХШАРИЙ МЕРОСИНИНГ ЎРНИ

Маҳмуд Замахшарий (1075–1144) тилшунослик, луғатшунослик, тафсир, ҳадис, фикҳ каби соҳаларда шухрат қозониб, илмда "фарид ал-аср", яъни ўз даврининг энг пешқадам алломаси дея танилган. Мероси кенг қамровли бўлиши билан бирга чуқур мазмунга ҳамда асрлар оша

³³⁹ Архив ЦГУ Уз.ССР. Фонд № 11-47. ОП № 1. д. № 328. л № 28.

³⁴⁰ Каримов И.А. Ўзбекистон XXI асрга интилмоқда. Биз ўз келажагимизни ўз қўлларимиз билан қураимиз. – Т.: Ўзбекистон, 1999. – Б. 23.

Сўзбоши 3

ДИНШУНОСЛИК ВА ФАЛСАФА ШҶЪБАСИ

К.Камилов. Глобаллашув шароитида диний таълимнинг ривожланиш тенденциялари 4

А.Э.Абдусамедов, Г.А.Сапарова. Қадриятларга янгича ёндашув – миллий ўзликни англаш омили 10

А.А.Ҳасанов. Позитивное предназначение толерантно-плюралистических принципов в раннем исламе 15

А.Мухторов. Ёшларда диний экстремизмга қарши мафкуравий иммунитетни шакллантириш мезонлари 20

Б.Н.Валиев. Диннинг структуравий ва функционал таҳлили хусусиятлари 23

К.Жўраев, Д.Собиров. Диншунослик ва янги педтехнология 29

Н.Муҳамедов. Ўрта-махсус таълим тизими учун ўқув қўлланмалар 33

У.Қўшаев. Дин ва маданият диалектикасининг ўзига хос хусусиятлари 37

А.Б.Муҳаммадиев, К.Ғаниев. Динлараро бағрикенглик фалсафаси ҳақида айрим мулоҳазалар 41

Т.Д.Бойтўраев, Н.З.Миржамалова. Қадимги диний дунёқарашни ўрганишда санъат намуналарининг ўрни 44

А.Р.Самадов, А.А.Азизқулов, Б.Э.Исроилов. Фуқаролик жамиятида турмуш фаровонлигини оширишда диний ва ахлоқий идеалнинг ўрни ва роли 48

А.А.Юсупов, С.А.Юсупова. Соғлом оила – соғлом келажак кафолати 52

М.Каримова, А.Мирзаев. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда диний қадриятлардан фойдаланиш омиллари 56

Т.Я.Мурадымова, Р.И.Садикова. Роль семьи и государства в процессе духовного формирования личности 58

Х.Ҳайдаров, Б.Ф.Қурдошев. Илм ва эътиқод бирлиги жамият тараққиётини таъминлаш омили сифатида 61

Г.Машарипова. Оила мустақамлиги ва турмуш фаровонлигини таъминлашда миллий ўзликни англаш 66

К.Т.Сайдазимов. Абдурауф Фитрат инсонпарварлик ғояларининг ёшлар маънавий камолотидаги аҳамияти 69

Д.О.Ортиқова. Мустақил фикрловчи, ҳаётга қатъий эътиқодли ёшларни тарбиялашнинг айрим жиҳатлари 73

Г.И.Жуманова. Инсон саломатлигини сақлашда ахлоқий тарбиянинг аҳамияти 75

Л.Аслова. Буюк келажак маънавий баркамол инсонларга таянади 80

Б.Қандов. Глобаллашув шароитида баркамол авлод маънавиятини шакллантиришда таълим – тарбиянинг ўрни 85

Б.Мамадаминова, Б.Қандов. Маънавий баркамол шахснинг шаклланишида оиланинг ўрни 89

А.Душаев, Ғ.Омонов, Ш.Зарипов. Инсон ва оилага муносабатнинг дунёвий ва диний талқини 93

М.А.Ҳакимова, Р.Ў.Баратов. Ижтимоий фаоллик ва дин 95

Ж.Ахмедов. Маданий меросни ўрганишда диннинг аҳамияти ҳақида 98

Ж.Қ. Юсубов, Н.А.Джураева. Форобий меросида бордиқ масаласи.....	101
М.Маматов, Ю.Досжанова. Диний эътиқод ва билиш жараёнлари.....	103
Н.Э.Қулматов. Мустақил Ўзбекистон ёшлари ва диний бағрикенглик	108
Н.Н.Бобоев, Н.Э.Қулматов. Мустақиллик шароитида диний қадриятларнинг миллий ғоя ва мафқуранинг шаклланишидаги ўрни	110
Р.Раджабов, М.Жуманиязова. Ёшларга рақобатбардош тарбия бериш ҳар-хил диний оқимларга қарши иммунитетнинг асоси сифатида.....	113
Р.Халимметова. Глобаллашув жараёнлари ва ёшлар маънавий хавфсизлигини таъминлашнинг мафқуравий омиллари.....	118
Т.Султонов. Инновацион салоҳияти – фаровонлик омили	120
Б.Ғофуров. Мирзо Бобурнинг динлараро муносабатларга оид қарашлари	123
Р.И.Содиқова. Миссионерлик ва уни олдини олиш чора-тадбирлари.....	127
Л.Тешабаева, З.Кадилова. Миссионерлик оилававий қадриятлар заволидир.....	130
А.Юсупов, З.Кадилова, Ш.Хонкулов. Проведение профилактических работ среди молодежи о деструктивных религиозных направлениях.	133
У.Эргашев. Ёшларни миссионерлик оқими хуружларидан асраш муаммолари	136
Б.Толипов, Н.Тохинова. Ёт ғояларга қарши курашда оила ва маҳалланинг ўрни.....	138
А.Камилов, М.Дехқонова. Ёшларни ёт унсурлар хуружидан сақлашнинг долзарб масалалари.....	141
К.Исмаилов, Ш.Исмаилова, А.Курултаев. Талаба-ёшларда диний экстремизм ва терроризмга қарши иммунитетни шакллантиришнинг услубий масалалари.....	144
М.Темирханова, О.Муминов. Бороться против экстремизма нужно всем миром	148
О.Муминов. Воспитание молодежи для противодействия религиозному и политическому экстремизму, терроризму.....	153
С.Хамдамова. Ёшларда ҳуқуқий онг ва маданиятни шакллантириш зарурияти.....	157
К.Шермуҳамедов. Тинчликни асраш – обод турмуш таянчи	161
З.Хатамова, И.Бурхонов. Шахс камолоти ва маънавий дунёқарашида диний таълимнинг долзарблиги.....	164
М.Хакимова, М.Турдибоева. Динлараро бағрикенглик тинчлик ва барқарорликни мустаҳкамлашнинг муҳим шarti.....	169
Г.М.Икромова. Ўзбекистон мустақиллиги арафасида диншунослик фанининг ҳолати	171
М.Муҳаммадсидиқов. Яқин Шарқда парламент институти шаклланишида дин омилининг ўрни	175
И.А.Убайдуллаев. Религиозная толерантность – как фактор геополитических отношений	182
Х.Мирзаахмадов. “Байт ал-ҳикма” илм-маърифат маркази сифатида	185
Ф.Кушбаев. Ҳинд жамиятида каста тизимининг ўрни.....	189
Н.Саминова. Ўзбекистондаги буддавийлик ибодатхоналари тавсири	192
И.Г.Турдиматова. Эсхатологические верования древней Месопотамии	195

Ҳ.Ғаниева. Абдулкарим Шахристониёнинг илмий мероси	199
М.Абдулахатова. Ўзбекистонда баптистлик жамоалари фаолияти	202
Г.Садикова. Диншунослик соҳаси ривожига дин социологиясининг тутган ўрни	206
Р.Урзова, А.Ашуров. “Авесто” да оналик ва болалик	208
Д.Қаландарова. Уильям Жеймснинг дин психологиясига оид қарашлари	212
Ж.Юсупов. Тошкент масжидлари тарихи рус шарқшунослари талқинида	215
Б.Даминов. Миллеристик ҳаракатларнинг юзага келиш тарихи	219
Р.Бегалиев. “Наҳжул-фародис” асари ўрганилиши ва ундаги бир ҳадис хусусида	222
И.Маърупов. Ўзбекистонда ижтимоий ҳамкорлик ва бағрикенгликнинг қарор топиши	227
Б.Каримов. Глобаллашув шароитидаги мафкуравий таҳдидлар хавфининг ортиб боришида интернет тармоғининг ўрни	230
М.Сапаров. З. Фрейд таълимотида дин психологияси концепцияси	235

ИСЛОМШУНОСЛИК ВА ТАРИХ ШЎЪБАСИ

З.М.Исломов. Исломшунослик манбалари: матн, таржима ва таҳлил	239
И.Усмонов. Глобаллашув шароитида ёшлар маънавий камолотини юксалтиришда Ўрта Осиё мутафаккирлари илмий меросининг аҳамияти	241
С.Агзамходжаев. Оммавий ахборот воситаларининг ёшлар дунёқарашига таъсири	244
М.А.Артиков, Д.Д.Ибодова. Ислам – против бездуховности и аморализма	247
Ҳ.Юлдашходжаев. Замонавий тариқатчиликда илм ва либос масаласи	253
М.Алимова. Суфийлар фаолиятида сиёсийлашув жараёнлари	257
Д.Раҳимжонов. Ҳадисларни тўғри тушуниш шартлари	261
Д.Муродов. Юртимиз алломалари асарларида баркамол авлодни тарбиялашга оид ҳадислар таҳлили	266
А.Ғ.Абдуллаев. Замонавий тафсир йўналишлари	270
Д.Махсудов. Кўп шарҳланган бир оят хусусида	273
И.Бекмирзаев. Мовароуннаҳр қозилик маҳкамаларига хос анъаналар	276
Ф.Юлдашева, Х.Холмирзаев. Ҳанафия таълимотида инсон эркинлиги масаласи	284
С.Саиджалолов. Исломдаги мазҳабларни қиёсий ўрганишда Маҳмуд Замахшарий меросининг ўрни	287
Н.Р.Юсупова. Ғоявий курашлар тарихидан	290
Р.Исоқжонов. Ислом фалсафаси мавзуларини ўрганишда ёндашувлар	294
Х.Ф.Хайдаров, Э.А.Ахмеров. Роль идей суфизма в формировании идеологического иммунитета молодёжи в современных условиях	297
Ш.С.Агзамходжаева. Суфизм и экотеология	300
Г.Н.Эшанова. «Исломда санъатни англаш, диний қадриятларни англаш демакдир»	303